




БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 175 (3913).

Жума, 6 сентябрь 1968 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Свердлов номли колхоз пахтакорлари юксак марраларни эгаллаш учун барқарор меҳнат қилиб, айойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Улар ўтган йили ҳар гектар ердан 26,5 центнердан «оқ олтин» етиштирган бўлсалар, бу йил 30,3 центнердан пахта етиштиришга сўз берилган.

Ҳозиргача 610 гектар ернинг ҳаммасидаги гўзаларга бешинчи марта комплекс ишлов бериш тугалланди. Барча майдонларда мўлжаллашдан анча анд ҳосил етиштирилмоқда.

Хўжалик механизаторлари пахта теримида зарур бўладиган барча агрегатларнинг ремонт қилиш билан банд. Улар 26 та «зангори кема»нинг ҳаммасини тўла ва сифатли ремонтдан чиқардилар. Бундан ташқари янгидан яна 4 та «ХТ-1.2» терим машинаси сотиб олинди.

Ўтган йили ҳўжаликдаги 610

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

гектар ердаги пахтанинг 510 гектардаги машинада терилиб, 1805 тонна пахта бункерлардан тўқилган эди. Бу йил 590 гектар майдондаги дурдонани «пўлат этак»лардан тўқиб, унинг таътирларини кўриш учун тайёргарлик кўриляпти.

— Ўзга бартон тўқиб, ўтган йилдагидек ўз вақтида киришамиз, — дейди колхоз бош агрономи ўртоқ Ш. Қудратов, — бунинг учун зарур миқдордаги захарли химикатларнинг ҳаммаси тахт қилиб қўйилди. Дефолиация сентябрнинг дастлабки кунларида бошлаб, машина теримини 10—15 сентябрга бошлаб юборилди. Ҳар

бир агрегатга иккитадан механик ҳайдовчи бикинганда улар смена билан иш олиб борадилар.

Колхоз правлениси ва партия ташкилати пахта йигим-теримига олдидан пухта ҳозирлик кўришда, Пешкадам механизаторлари ва колхозчиларини мукофотлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзaro социалистик мусобақани авж олдириш чоралари кўриляпти. Мусобақа шартлари ҳар ўн кунда текширилиб, ғолибларга пул мукофотлари беришга келишилди.

Йигим-терим авжига чиққан кунларда агрегатларда те-

пахтани ёрдамчисиз териб олиш ташаббусини бошлаган Янгийўлдаги «Интернационал» колхозининг деҳқонлари шу кунларда машина терими таралдини тағин ҳам кучайтириб юбордилар. Колхознинг пахта майдонлари жадал суръатда дефолиация қилиняпти. Юқоридаги суратда: ОДИ билан дефолиация қилиш пайти.

Бука районидаги «Ленинобод» колхозининг пахтакорлари йил сайин катта юксалишга эришиб келиняпти. Ҳўжаликда пахта йигим-теримини механизациялаштириш даражаси ҳам тобора ошириляпти. Бу йилги ҳосилнинг 75—80 процентини машиналар билан териб олишга сўз берган колхоз механизаторлари йигим-терим кампаниясига ҳамма нафсини тахт қилиб қўймоқдалар. Колхоз далаларида етиштирилаётган ҳосил социалистик мажбуриятни тўла қоплай олади. Ундаги суратда: колхоз раиси Юсуф Мамашоев (чапда) илгор бригада бошлиғи Тилла Баётов билан бирга гўза тулларидаги ҳосилни чамалаб кўрмоқда.

А. Абалаев ва Н. Тўраев фотолари.



ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

САБЗАВОТ ВА МЕВА

Тошкент областидаги совхозлар меҳнаткашлари В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллигини муносиб қўтиб олиш мусобақасига қўшилиб, давлат картошка сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Тайёрлов базалари ва магазинларга 3800 тоннадан ортиқ картошка етказиб берилди. Деҳқонлар мажмуи имкониятларини ҳисоблаб, чўчиб, пландан ташқари яна 3 минг тонна картошка бериш мажбуриятини олдлар.

Область совхозларининг сабзавоткорлари пойтахт меҳнаткашларига сабзавотларни графикадан олдин етказиб бермоқдалар. Илг. бошдан бери Тошкентга 12 минг тонналар

қилинган мева ва сабзавот келтирилди.

Ҳозирнинг ўзида 3400 тонна — топириқдан 400 тонна кўп мева етказиб берилди. «XXI партсъезд» «Қорасув», «Келес» совхозлари коллективлари Тошкент меҳнаткашларини сабзавот ва мева билан таъминлашга катта ҳисса қўшдилар. Бу йил сабзавоткорлар биринчи марта катта майдонга тақрирли картошка, қарам, бодиринг экидилар.

Область совхозларининг сабзавоткорлари шаҳарликларга 15 минг тонна сабзавот ва 4 минг тонна мева ва узум етказиб бериш мажбуриятини олдлар.

МИРИШКОРЛАР

Ориф Турдиев бошчилиги қўлаган сабзавоткорлар бригадаси «Партия XXII съезди» ноҳозиди илгор ҳисобланади.

Бригадининг азамат поликорлари эл дастурхонини ширин-шарбат поллиз ҳамда сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун баҳордан бошлаб тадбиркорлик билан меҳнат қилаётирлар. Натига ёмон бўлмапти. Экиннинг ҳамма турлари бўйича мўлжалдагидан анча кўп ҳосил етиштирилмоқда.

Бригадининг миришкор деҳқонлари шу кунгача тайёрлов пунктга 16 тонна бодиринг, 102 тонна помидор, 105 ўринга 114 тонна қарам етказиб берилди.

Сабзавоткор Муҳаммад опа Шарофиддинова иш биларманд, гайратли аёллардан. У давлат

та 0,30 гектар ердан 3,3 тонна ўринга 3,5 тонна бодиринг, 0,5 гектар ердан 7,5 тонна ўринга 8 тонна помидор топириб, планни анча ошириб бажарди. Шунингдек, колхозчи ўртоқ Худойберди Раҳмонов 0,25 гектар майдондан 3 тонна картошка, 0,25 гектар ердан 4 тонна помидор етиштириб, бериб, план топиригини ошириб адо этди. Ҳозир булар давлатга мажбурият ҳисобига маҳсулот топириқлаётирлар.

Бригада аъзолари кечки картошка, қарам ҳамда 3 гектар ерда савон экиб, уни текис ундириб олдлар. Бригадининг лабон ҳалол аъзолари кечки экинлардан ҳам катта ҳирмон кўтариш ниятидадилар.

Ш. ИҶДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

ПУНКТЛАР ШАЙ

Бекобод районидаги «Давлат» пахта тозалаш заводининг ишчи ва хизматчилари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариб, дохилини В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллигини яхши кўрсаткичлар билан қўтиб олиш учун социалистик мусобақача қўшилдилар.

Завод коллективининг 7 ойлик планни бажаришдаги кўрсаткичлари бунинг илгори мисолидир. Маҳсулот реализация қилиш планни анча ортири билан адо этилди. Тола ишлаб чиқариш бўйича ети ойлик топириқ 101,9 процент бажарилди. Бу, албатта, завод коллективининг дастлабки муваффақиятларидан бири ҳисобланади.

— Бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун, — дейди заводнинг бош инженери ўртоқ Н. Бобоев, — янги мавсумга пухта тайёргарлик кўриляпти. Районимиз деҳқонлари етиштирган ҳосилни ўз вақтида қабул қилиб олишга шай бўлиб

турибмиз. Заводимизга қарашли «Ўзбекбод», «Социализм», «Чанок» каби пахта қабул қилиш пунктлари ҳам ҳозир янги ҳосилни қабул қилиб олишга шай.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида пахта теримига ва уни тайёрлашга ҳозирлик кўриш» ҳақидаги қарорига мувофиқ иш олиб борилмиш.

Завод азаматлари капитал ремонт ишларини ҳам тезкорлик билан олиб боришмоқда. Илгори Ҳасанов бошчи ремонтчилар пахтани чигитдан тозалаш машиналарини, Ж. Дураев бошчи ремонтчилар пахта тозалаш машиналарини ремонт қилишмоқда. Завод бўйича пахтани қайта ишлаш учун зарур бўлган барча механизмларнинг ҳаммаси сентябрнинг дастлабки кунларида тўла ремонтдан чиқарилади.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМЛИ ТЕАТР ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Совети Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат катта академик театрининг 30 йиллигини байрам қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ўттиз йил — театр коллективининг ёши бўлса-да, театр Ўзбекистонда бутун совет миллий санъатининг бунёлга келиши ва ривожланиш йилини босиб ўтди. Театрнинг бунёд этишда республикадаги истеъдодли маданият арбоблари билан бирга рус композиторлари ва сахна усталари ҳам актив қатнашдилар.

Бугунги кунда театр афишларида неча ўнлаб миллий опера ва балетлар номини ўқийсиз. Байковский, Верди, Глинка, Массне, Монюшко ва бошқа классикларнинг асарлари бу ерда ўзининг муносиб ижрочиларини топди. Театр коллективини совет музыкаси маданиятининг ҳормас-толмас

пропагандисти деб айтишлари бежиз эмас. Прокофьев, Шостакович, Хачатурян, Хренников, Майборода опера ва балетлари театр репертуаридаи муносиб ўрин олди.

Алишер Навоий номи театр спектакллариининг донги Ўзбекистондан анча узоқ жойларга ҳам таралган. Айойиб коллективнинг ёрнин ва оригинал маҳорати Москва, Ленинград, Урал, Сибирь, Қозғоғистон, Тожикистон, Эстония, Туркманистон санъат шинавадаларига манзур бўлди. Театр артистлари Бирлашган Араб Республикаси, Хиндистон, Сурия, Ливан, Йроқ, Афғонистон, Бирма, Чехословакия, Руминия, Польша, Болгария, Германия Демократик Республикаси, Финляндия, АҚШ, Франция, Бельгия, Голландия, Швеция, Норвегия, томошбиларига зўр муваффақият билан томоша кўрсатдилар.

СССР Халқ артистлари Х. Носирова, М. Турғубоева,

С. Қобулова, Г. Измайлова, М. Ашрафий ҳамда Навоий номи опера ва балет театрининг бошча сахна усталари миллион-миллион томошбиларининг сезимли артистлари бўлиб қолдилар. А. Навоий номи театр опера ва балет санъати миллий кадрларини тайёрлаб етиштирадиган чинакам даргоҳга айланиб қолди.

Бугунги кунда дўстларини юбилей, 30-мавсум спектаклларида чорловчи театр афишларида 30 рақамли турибди. Бу мавсум улуғ мутафаккирининг 525 йиллик тўғига тўғри келганлиги билан ҳам аиникса қувончли ва таянчавордир.

Илгор совет маданиятининг жарчиси бўлган қадри дўстлар, сизга янги катта ижодий муваффақиятлар тилаймиз, профессионал опера ва балет санъатининг янада юксак поғонага кўтарилишини истаймиз. (ЎЗАТА).



ДЕКАДА таянчалари Иттифоқимизда одатий расм, удумга айланиб бораёпти. Бундай анжуманлар адабиёт ва санъат аҳллариини бир-бири билан яқиндан таништиришга имкон беради, дўстлаштиради. Ўзбек адабиёти ва санъатининг вакиллари қардош Тожикистонга жўнаб кетдилар. Улар ўн кун мобайнида тоғ ўлкасининг диққатга сазовор жойларида бўладилар. Дала меҳнаткашлари билан учрашадилар. Ўзсана сўхбат қурадилар. Суратда: Тожикистонга йўл олган ўзбек ёзувчи ва санъаткорларининг бир гуруҳи.

ТОЖИКЛАР ЭЛИДА БАЙРАМ

Бугун Тожикистонда катта воқеа — Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасининг яқинлашган таъини қилинган. Газета сатрлари, радио ва телевидение дикторлари декадани тараннум этмоқдалар.

Душанбе аэропортида Ўзбекистон вакиллари билан меҳмондўст тожиклар дўстлигини биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. Рахмонов, республика Олий Совети Президиумининг раиси М. Холос, Министрлар Советининг раиси А. Қаҳҳоров, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Раҳимова, С. Эргашев, республика Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари М. Зарипова, Тожикистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. В. Зубарев, В. Е. Навичков, М. Каримова, К. Маҳмадов аэропортга келишди. Тожик ёзувчилари ва артистлари, композиторлари ва рассомлари, Душанбе меҳнаткашларининг вакиллари ҳам Ўзбекистонлик дўстларини, улар билан бирга келган Ўзбекистон

Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов ўртоқларини қўтиб олдлар.

Тожикистон ССР Маданият министри М. Назаров меҳмонларни қўлайди. У, Тожикистонга яқин ва тушунарли ўзбек халқи-адабиёти ва санъати билан янги учрашувининг катта қувончлари ҳақида гапирди.

— Халқларимизнинг дўстлиги, — дейди жавоб нутқида Ўзбекистон ССР Маданият министри В. П. Зоқидов, — Шарқнинг улуғ маърифатчилари Беруний ва Ибн Сино, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, бошқа олимлар, шоирлар, мутафаккирларнинг дўстлиги билан сугорилган.

Ўзбек суҳани ва қўшиғи тоғ тизмалари оша ўтиб, тожиклар дёрида шаддам қадам ташламоқда.

С. ФРОЛОВА,

Э. РАШИДОВ,

ЎЗАТА маҳсус муҳбирлари Душанбе, 5 сентябрь.

(Телетайп орқали олинди).

